



ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ
ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

*Асранов Абдурасул Хошимжонович -
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини таянч докторанти*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a24

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларида молиявий ҳисоботларнинг тузилиши ва уларнинг ахборот таъминоти, молиявий ҳолатини аниқлаш ва фойдаланилмаган резервлар таҳлили, асосий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар таҳлили масалалари батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, баланс, ҳисоб тизими, харажат, даромад, молиявий ҳисобот таҳлили, даромад ва харажатлар таҳлили, ҳисоблаш усули.

СТРУКТУРНАЯ СТРУКТУРА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ
ЗАВЕДЕНИЙ И ЕЕ ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

*Асранов Абдурасул Хошимжонович -
Докторант Андижанского института
сельского хозяйства и агротехнологий*

Аннотация. В данной статье подробно описаны структура финансовой отчетности и ее информационное обеспечение, определение финансового состояния и анализ неиспользованных резервов, анализ доходов и расходов от основной деятельности в высших учебных заведениях Республики Узбекистан.

Ключевые слова: бухгалтерская отчетность, бухгалтерский баланс, система бухгалтерского учета, себестоимость, доход, анализ финансовой отчетности, анализ доходов и расходов, метод расчёта.

STRUCTURAL STRUCTURE OF FINANCIAL REPORTS OF HIGHER EDUCATIONAL
INSTITUTIONS AND ITS INFORMATION SUPPLY

*Asranov Abdurasul Khoshimjonovich -
Doctoral student of Andijan Institute
of Agriculture and Agro-Technology*

Abstract. This article describes in detail the structure of financial reports and their information supply, the determination of financial status and the analysis of unused reserves, the analysis of income and expenses from the main activities in the higher educational institutions of the Republic of Uzbekistan.

Key words: financial statement, balance sheet, accounting system, cost, income, financial statement analysis, income and expense analysis, calculation method.

Кириш. Кейинги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг муҳим натижаси олий таълим тизимини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш тизимига ўтиши натижасида университет ва институтлар томонидан маблағ ишлаб топиш ва улардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларини тўғри ва асосли эканлигини текшириш, ҳисобот кўрсаткичларини бошқа ахборотлар билан рақамлаштирилган ҳолатда текширишни амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли олий таълим тизимининг хусусиятларини инобатга олиш, ушбу тизимда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш, натижада молиявий ҳисоботларни халқаро талаблар даражасида тақдим этиш муҳим ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг Ўзбекистон Республи-

касига кириб келиши натижасида ҳисоб тизимини оптимал ташкил этиш имконияти яратилди ва унинг маълумотларининг шаффолиги янада ошди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори, “Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асосларига доир кўплаб низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилди.

Адабиётлар таҳлили. Олий ўқув юртларида муҳим масала молиявий ҳисоботлар таркиби ва унинг ахборот таъминотини таҳлил қи-

лиш ҳисобланади. Ушбу соҳада бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, яъни бюджет ҳисобининг ташкилий масалаларини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш шакли, ташкилий тамойиллари, усуллари, асосий масала молиявий ҳисоботларини белгиланган норматив ҳужжатларга асосан ишлаб чиқиш, унинг ахборот таъминотини таҳлил қилиш, уларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ахборот таъминоти таҳлилини амалга ошириш лозим.

Ушбу масалада дунё ҳамжамятида инобатга олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, шу жумладан давлат секторидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш алоҳида масала ҳисобланади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сонли қароридан алоҳида “Давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлари шаффофлиги ва сифатини ошириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, мазкур соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисида Молия вазирлигига маълумот тақдим этиш”[2] масаласи белгиланган. Демак, олий ўқув юртларида бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнида давлат секторидан МҲХС асосида ташкил этиш масаласининг ечимини топиш зарур. Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида давлат секторидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартлар ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юртларида молиявий ҳисоботларнинг ахборот таъминотини таҳлил қилиш жараёнида ушбу соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган ягона услубият, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаларининг ижроси, бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақсадда олий ўқув юртларининг катта-кичиклиги, харажатлар сметаларининг ҳажми, операциялар сони ва маълумотларнинг ишлаш воситаларидан фойдаланилишига қараб (ЎзАСБО) ҳисоби асосида аналитик дафтар, бош-журнал ва бошқалар қўлланилади[3].

Чет мамлакатларда олий таълим соҳасида бюджет ҳисобини ташкил қилиш масаласида Россияда турлича фикрлар мавжуд. Шу жумладан, бюджет даромадлари ва харажатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича россиялик иқтисодчи-олим Воробьева И. П. томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Олий таълим соҳасидаги бюджет ҳисобини юритишда тизимга даромад келтирувчи фаолиятдан олинган даромадларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

масалалари тадқиқ этилган. Бунда бюджет ташкилотларида даромад келтирувчи фаолиятдан олинган даромадларни алоҳида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мезонлари, мазкур даромадларнинг таснифланиши, бухгалтерия ҳисобида тан олиш учун асос бўладиган ҳужжатлар, даромад суммаси, санаси етарли даражада ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги сабабли ушбу масалани янада батафсил ёритиш лозим[4].

Ушбу масала янада ривожлантирилиб, С.И.Коренкова илмий тадқиқотларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш жараёнларини такомиллаштиришда ҳисоб сийсатини ишлаб чиқиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади[5]. Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси давлат секторидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш бюджет тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу масалада амалга оширилган ислохотлар натижасида Халқаро амалиёт тажрибаси асосида бюджет ҳисобини ислоҳ этишда даромадларни тан олиш жараёнида икки усулдан бирини танлаб, шу асосда амалга оширилиши лозим: ҳисоблаш усули ва касса усули. Ушбу усуллардан фойдаланиш ва халқаро стандартлар талабига кўра кўпроқ ҳисоблаш усулига ўтилиши асосий йўналиш сифатида қаралди. Давлат секторидан ҳисоблаш усулига асосланган стандартларнинг жорий қилиниши соҳа олимларининг илмий қарашларида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу масалада хорижлик иқтисодчи-олимлар фикрини таҳлил қилсак, ушбу масалада Кристенсен М. ва Паркер Л. томонидан чет эллик компаниялар томонидан бюджет ҳисобида ҳисоблаш усули ва шу асосда стандартларнинг жорий қилиниши масалалари ёритилган. Шу жумладан, бюджет тизимидаги университетларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда халқаро амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган ҳисоблаш усулидан фойдаланиш ва ушбу усулнинг халқаро стандартлар талабига мослиги бўйича фикр билдирганлигини кўришимиз мумкин[6].

Иқтисодий эркинлаштириш ва бюджет тизимига катта эътибор берилиши муносабати билан кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш ва унга халқаро стандартларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу масалада иқтисодчи олим Мехманов С.У. томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “Давлат секторидан бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари ҳодисалар ва операцияларни молиявий ҳисоботда акс эттириш

талабларини шу жумладан тан олиш, баҳолаш, ахборотларни очиб бериш, ахборотларни тақдим этишни белгилайди”[7]. Демак, ушбу фикрга кўра, Ўзбекистонда ҳам давлат секторида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, олий таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотлар бевосита бухгалтерия ҳисобини юритиш масаласига ҳам таъсир қилади ва ушбу ҳисоб тизимини давлат секторида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида юритиш зарурати пайдо бўлади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат секторида бюджет ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш, олий таълим тизимида молиявий ҳисоботларни тузиш ва унинг ахборот таъминотини такомиллаштириш масалаларини аниқроқ тадқиқ қилиш учун кузатиш, гуруҳлаш ва саралаш, таққослаш, бошқа иқтисодий таҳлил усуллари ва муаллифнинг шахсий кузатуви натижасида олинган маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Давлат секторида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари давлат секторидаги субъектлар фаолиятига жорий этишда фойдаланилади. Шу жумладан молиявий ҳисоботларга тегишли қуйидаги халқаро стандартлар мавжуд: ДСМҲХС №0 “Бухгалтерия ҳисобининг касса усулида молиявий ҳисоботлар”, ДСМҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш”, ДСМҲХС №6 “Назорат қилувчи субъектларда инвестицияни ҳисоби ва консолидациялашган молиявий ҳисобот”, ДСМҲХС №24 “Бюджет ахборотини молиявий ҳисоботда тақдим қилиш” каби стандартлардан[8] фойдаланилади. ДСМҲХС №0 “Бухгалтерия ҳисобининг касса усулида молиявий ҳисоботлар” ва ДСМҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш” номли стандартга кўра умумфойдаланишдаги молиявий ҳисоботларга қуйидагилар киририлган:

- 1) Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот.
- 2) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.
- 3) Соф активлар /капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот.
- 4) Пул тушумлари ва тўловлари тўғрисидаги ҳисобот.
- 5) Изоҳ ва тушунтиришлар.

Шундай қилиб, ушбу таҳлил натижасида умумий тартиб “Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига кўра, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга ошириши белгиланган. Раҳбар ички ҳисоб ва ҳисобот тизимининг ишлаб чиқиши, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибининг, тўлиқ ва аниқ бухгалтерия ҳисоби юритилишини, ҳисоб

ҳужжатларининг сақланишини, ташқи фойдаланувчилар учун ҳисоботни тайёрланишини, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланишини ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шарт”[9].

Иқтисодий эркинлаштириш ва рақамли иқтисодий тизими жорий қилиниши олий таълим тизимида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этиш ва уни ислоҳ қилишни тақозо қилади. Фикримизча, ушбу олий таълим тизимидаги бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислохотларни қуйидаги йўналишлар асосида амалга ошириш лозим деб ўйлаймиз:

- давлат секторида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш натижасида олий таълим тизимида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган хўжалик ҳисобидаги ва бюджетдан маблағ олаётган университет ва институтларда молиявий ҳисоботларнинг ахборот таъминотини кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш имконияти яратилади;

- давлат секторида МҲХС жорий қилиниши натижасида Ўзбекистондаги олий таълим тизимидаги субъектларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичларини хорижлик мутахассислар томонидан тушуна олиши ва уларнинг кўрсаткичларини таққослаш имконияти яратилади, натижада хорижий ҳамкорлар билан ишлаш имконияти янада кенгайди;

- ушбу стандартлар жорий этилиши натижасида Олий таълим тизимини молиялаштириш манбаларини алоҳида гуруҳлари бўйича ҳисоблаш, шу жумладан давлат бюджетидан молиялаштирилиши ва олий таълим тизимининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, яъни ўзлари томонидан хўжалик ҳисоби асосида ишлаб топган маблағлари ҳисобини бухгалтерия ҳисобида алоҳида юритиш, уларнинг мақсадли сарфланишини доимий равишда назорат қилиш учун шароит яратилади;

- олий таълим тизимининг ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтиши натижасида бюджет ҳисоби ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва бошқа йўналишлардан келиб тушган маблағларни ва уларнинг сарфланишини алоҳида гуруҳлари бўйича назорат қилиш мумкин. Натижада бюджетдан олинган ва ўзи томонидан ишлаб топган маблағлар бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларини акс эттириш ва молиявий ҳисобот ахборотларини шакллантириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тизимини такомиллаштириш концепцияси

қабул қилинган бўлиб, унда халқаро стандартлар талаблари асосида бюджет ҳисоби тизими халқаро талабларга мослаб шакллантириш ва харажатларни мақсадли ва тежамли сарфлашнинг назорати ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган концепцияда бюджет ҳисобини халқаро стандартларида умумқабул қилинган тамойилларга мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистонда ҳам ушбу давлат секторидаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш мақсадида турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, бунинг натижасида халқаро стандартларни қўллашга доир ишлар кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, юқоридаги фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келинди:

1) таълим тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг асосий тамойилларидан фойдаланиш (бюджет ҳисоб жараёнининг мураккаблиги, даромад ва харажатларни тан олиш тизимини тушуниш, бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнига кўпгина қўшимча талаблар ва вазифаларнинг қўйилиши натижасида бухгалтерларни ушбу масала бўйича қўшимча билим олиш зарурати келиб чиқади.

Шундай қилиб, ушбу усул асосида молиявий ҳисоботларни тузиш жараёни Ўзбекистон Республикасида фойдаланилаётган УЗАСБО тизими асосида молиявий ҳисоботларни шакллантиради. Натижада ушбу шакллар умумқабул қилинган тартибда тузилади.

2) Ўзбекистонда давлат секторида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бюджет ҳисобини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

биринчидан, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий жиҳатларини халқаро амалиётда умумқабул қилинган меъёрларга мослаштириш, хўжалик ҳисобида амалга оширилган даромад ва харажатларни алоҳида юритилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини халқаро стандартлар даражасида янада ошириш имкониятини яратади;

иккинчидан, олий таълим тизимида молиявий ҳисоботларнинг ахборот қамрови ва шаффофлиги ошади, уни халқаро экспертлар ва чет эллик ҳамкорлар бемалол тушунадиган тилда тақдим этилади;

учинчидан, олий таълим тизимидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун чет элликлар фойдаланадиган молиявий ва статистик ҳисоботлар, жаҳон ҳамжамиятида ишлатилаётган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тақдим этиладиган ахборотларни интеграциялашуви таъминланади;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларини чет эллик ҳамкорлар билан ишлаши ва улар билан амалга оширадиган операциялари назорати, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида чет эл инвестициялар ва донорлик маблағлари ҳажмини кўпайтириш ва чет эллик ҳамкорлар билан самарали қўшма фаолият юритиш имконияти яратилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021.- 458 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сонли қарори. //Lex.uz.
3. Тўраева М.А. Глобал пандемия шароитида бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари (таълим муассасалари мисолида). "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentabr-oktabr, 2020-yil 60-64-бетлар. Raximova G.M. MNXS globallashuvi: standartlashtirishning jahon tajribasini tahlil qilish (birinchi turkum). //Молия ва банк иши. электрон илмий журнали. 5-сон. Сентябрь-октябрь, 2020.39-43бетлар.
4. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях: Учебное пособие. /И.П. Воробьева, А.Л. Спесивцева, Г.А. Барышева. – Томск: Изд-во ТПУ, 2012. – 252 с.
5. Коренкова С.И. Бюджетный учет и отчетность. Учебное пособие для вузов. - М.: Юрайт, 2018. -457 с. С.45-48.
6. Christensen M., Parker L. Using Ideas to Advance Professions: Public Sector Accrual Accounting. //Financial Accountability and Management. 2010. Vol. 26. №3. P. 246-266.
7. Мехманов С.У. Давлат секторида бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида бюджет ҳисобини ислоҳ этиш йўналишлари. //Иқтисод ва молия, 2015, №4. 73-77 б.
8. Международные стандарты бухгалтерского учета для государственного сектора (МСБУГС). Первый том. –Т., 2008. 305с. С. 50-51.
9. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби" тўғрисидаги қонун. //Lex.uz.
10. Тўраева М.А. Глобал пандемия шароитида бюджет ташкилотларида бюджет ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари (таълим муассасалари мисолида). "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentabr-oktabr, 2020. 60-64 бетлар.
11. Raximova G.M. MNXS globallashuvi:standartlashtirishning jahon tajribasini tahlil qilish (birinchi turkum). //Молия ва банк иши электрон илмий журнали. 5-сон. Сентябрь-октябрь, 2020. Б.39-43.
12. Концепция совершенствования системы бухгалтерского учета и отчетности на основе адаптации Международных стандартов финансовой отчетности общественного сектора. Проект ПРООН «Реформа бюджетной системы в Узбекистане», 2013. [http:// www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz).
13. Ибрагимов А.К., Суғурбаев Б.Б. Бюджетный контроль и аудит: учеб. Пособие. /Программа развития ООН; Мин-во финансов РУз. Учебный центр. - Т.: infoCOM. UZ, 2010. -164 с.
14. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
15. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методик расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>